



**САМАРҚАНД ЭКОЛОГИК КҮН ТАРТИБИ
АТРОФИДА ДУНЁНИ
БИРЛАШТИРДИ**



ЖАММИЯТ

№ 19 (989)
2026 йил
11 июнь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

ЁВВОЙИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ДОРИВОР ХОМАШЁСИНИ ЙИҒИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 245-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан «Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, озик-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Хужжатга кўра, Ўзбекистон Қизил китобига кiritилмаган ёввойи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, озик-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлашга ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳукуки тасдиқланган квоталар доирасида «Е-аукцион» электрон савдо платформасида ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари орқали берилади. Рухсатнома бир йил давомида амал қилади.

Шунингдек, 2026-йил 1-июндан қизилмия ўсимлиги популяциясини қайта тиклаш ҳамда унинг муҳофазасини таъминлаш чоралари кўрилади. Қизилмия ўсимлигининг давлат ўрмон хўжаликлари ҳудудларидаги табиий ареаллари, захираси ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган миқдори аниқланади. Қолаверса, қизилмия генофондини сақлаш ва уни кўпайтириш мақсадида табиий ареалларидаги захираси етарли бўлган ўрмон хўжаликлари ҳудудларида камида 2 гектардан оналик плантациялари ташкил этилади. Шу билан бирга, қизилмиянинг уруғлик материалларини етиштириш, тайёрлаш, кўпайтириш ҳамда хомашёсини қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади.

Низомга кўра, жисмоний шахсларга ёввойи ўсимликлардан техник, доривор хомашё ва озик-овқат мақсадларида бепул фойдаланишга чекланган ҳажмда умумий тартибда рухсат берилади. Ёввойи ўсимликлар фойдаланувчилари томонидан бу ўсимликларни йиғиш ва тайёрлашга махсус рухсатнома асосида ҳақ евазига ёʻл қўйилади.

Низомга асосан, Фанлар академияси ёввойи ўсимликлар хомашёси ва ўсимликларни махсус фойдаланиш тартибида йиғиш ва тайёрлаш захирасини аниқлайди. Бунда ёввойи ўсимликлар ўсадиган ерларнинг умумий майдони 0,1 гектардан, ўт қоплами 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, ёввойи ўсимликлар объектларининг фойдаланувчилари ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ишлари амалга оширилган ҳудудларда уларнинг ўсиш жойларини сақлаб қолиш учун биотехник ҳамда қайта тиклаш тадбирларини амалга ошириши, шу жумладан, фойдаланиш натижасида бузилган ўсимлик ва тупроқ қатламини рекултивация қилиши, ёнғин ва техника хавфсизлиги ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт.



КўЧАДА «ТАРБИЯЛАНАЁТГАН» БОЛАЛАР

**БУВИНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ ЁХУД
ТУРКИЯГА «СОТИЛГАН» ОНАЛИК**

Қизиқ. Нега биз фикрлашдан кўрқамиз? Ачинарлиси шундаки, баъзан боланинг мустақил фикри катталарни хавотирга солади. Аксарият холларда синфда савол кўп берувчи ўқувчи «қийин бола» деб баҳоланади. Мавжуд қарашларга шубҳа билдирган ёшлар тартибсизликда айбланади. Баъзан эса боланинг фикрини эшитиш ўрнига унга тайёр хулосалар тақдим этилади.

**ЁДЛАЁТГАН
АВЛОДМИ
ЁКИ ФИКРЛАЙДИГАН...?!**





САМАРҚАНД ЭКОЛОГИК КУН ТАРТИБИ АТРОФИДА ДУНЁНИ БИРЛАШТИРДИ

2026 йил, 30-майдан 6-июнгача Самарқанд замонамизнинг энг муҳим экологик муаммоларини муҳокама қилиш учун глобал майдонга айланди. Бу ерда Глобал экологик фонд (GEF)нинг VIII Ассамблеяси ва GEF Кенгашининг 71-йиғилиши бўлиб ўтди. Ассамблея тарихда илк бор Марказий Осиёда ташкил этилиб, 186 мамлакат вакиллари, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, илмий доиралар, бизнес, фуқаролик жамияти, ёшлар ва маҳаллий халқлар вакиллари бирлаштирди.



Форумнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакат ва бутун Марказий Осиё минтақасининг глобал экологик ҳамда иқлим кун тартибини илгари суришдаги роли тобора ортиб бораётганининг эътирофи бўлди. Бир ҳафта давомида Самарқанд барқарор ривожланиш, иқлимга мослашувчанлик, биохилма-хилликни сақлаш, ифлосланишга қарши кураш ва яшил иқтисодиётга ўтиш масалалари бўйича очик халқаро мулоқот майдонига айланди.

Ассамблея кун тартибиде Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форумнинг очилиш маросимида илгари сурган ташаббуслари алоҳида ўрин эгаллади. Хусусан, давлат раҳбари Самарқандга “Марказий Осиёнинг яшил инвестициялар ва инновациялар пойтахти” мақомини бериш ташаббуси билан чиқди. Ушбу платформа яшил молиялаштиришни жалб этиш, экологик технологияларни тарғиб қилиш, илмий ҳамкорликни ривожлантириш ва барқарор ривожланиш соҳасидаги илғор ечимларни жорий этишга хизмат қилади. Ташаббус Самарқанднинг минтақадаги экологик дипломатия ва яшил трансформациянинг муҳим марказларидан бири сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Яна бир муҳим баёнот Ўзбекистоннинг Глобал экологик фонд донор мамлакатига айланиши ҳақидаги қарор бўлди. Халқаро ҳамжамият бу қадамни мамлакатнинг нафақат халқаро қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланишга, балки глобал экологик муаммоларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшишга тайёр эканининг далили сифатида қабул қилди.

Тадбир яқунларини сарҳисоб қилар экан, GEF VIII Ассамблеяси раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов Ассамблея глобал экологик кун тартибини илгари суриш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва давлатлар ҳамда ташкилотлар ўртасида ишончли кучайтиришга хизмат қилганини таъкидлади.

“Қадимий Самарқандда ўтган кунлар давомида биз глобал экологик кун тартибини илгари суришга, ҳамкорлик ва ўзаро ишончли мустаҳкамлашга муваффақ бўлдик. Ассамблея доирасида тўққизта

юқори даражадаги давра суҳбати, элликдан ортиқ кўшимча тадбирлар, ўнлаб икки томонлама учрашувлар ва эксперт муҳокамалари ўтказилди. GEF Кенгаши GEF -9 дастурий йўналишлари, янгиланган СТАР тизими, GEF иш дастури ва янги молиявий сиклдаги интеграциялашган дастурларни амалга ошириш механизмлари бўйича муҳим қарорларни қабул қилди”, – деди у яқуний нутқида.

А. Абдуҳақимовнинг таъкидлашича, GEF-8 маблағларининг деярли тўлиқ ўзлаштирилгани ва янги дастурий қарорларнинг тасдиқланиши “Табиат – Иқлим – Ифлосланиш” интеграциялашган ёндашувига асосланган GEF-9 дастурини ишга тушириш учун мустаҳкам пойдевор яратади. Шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятлар ва туб аҳоли вакиллари қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг иштирокини кенгайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Шу мақсадда GEF-9 маблағларининг камида 20 фоизини туб халқлар ва маҳаллий ҳамжамиятларга йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ассамблея доирасида умумий қиймати 80 миллион доллардан ортиқ бўлган миллий ва минтақавий экологик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари йирик йиртқич мушуксимон ҳайвонлар ва уларнинг экотизимларини муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастур ишлаб чиқиш ҳамда уни GEF -9 доирасида илгари суриш ҳақида келишиб олдилар.

Форумнинг муҳим натижаларидан бири сифатида Марказий Осиёда сув ва ер ресурсларини барқарор бошқаришга қаратилган “Central Asia Water and Land Nexus” (CAWLN) минтақавий дастурига расман старт берилди. Дастур гоёси илк бор GEF нинг Ванкувердаги аввалги Ассамблеясида илгари сурилган эди. Самарқандда эса у самарали халқаро ҳамкорлик ва изчил давомийликнинг амалий намунаси сифатида ҳаётга татбиқ этилди.

Форум яқунларини сарҳисоб қилар экан, GEF нинг бош директори ҳамда стратегия ва операциялар бўйича директори Клод Гаскон Ассамблеянинг энг катта ютуғи халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва глобал экологик муаммоларга биргаликда ечим топиш бўлганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, айнан давлатлар, халқаро ташкилотлар, бизнес ва фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини бирлашти-

риш кенг қўламли ўзгаришлар ҳамда барқарор келажак учун зарур шароитларни яратади.

Ассамблея муҳокамаларининг марказида экологик молиялаштиришни сафарбар этиш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, инновацион молиявий воситаларни жорий этиш ва табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини ошириш масалалари турди.

Шунингдек, яқин йилларда глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб берадиган янги молиявий давр — GEF -9 дастурига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар экологик мақсадларга эришиш тизимли ислохотлар ва давлатлар, халқаро ташкилотлар, бизнес ҳамда жамият ўртасидаги яқин ҳамкорликсиз мумкин эмаслигини таъкидладилар. Пленар сессиялар ва давра суҳбатларида иқлим барқарорлиги, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, ерларнинг деградицияси, сув ресурсларини бошқариш, атроф-муҳит ифлосланиши ва айланма иқтисодиётга ўтиш масалалари муҳокама қилинди.

GEF нинг Илмий-техник маслаҳат гуруҳи раиси Розина Бирбаум жаҳон иқтисодиётининг ярмидан кўпи бевосита табиий капиталга боғлиқлигини, бироқ табиий экотизимларга йўналтирилаётган инвестициялар ҳануз етарли эмаслигини қайд этди. Халқаро молия институтлари ва хусусий сектор вакиллари глобал капитални экологик лойиҳаларга фаолроқ жалб этишга ҳамда атроф-муҳит деградициясини иқтисодий барқарорликка таъсир қилувчи асосий омиллардан бири сифатида кўриб чиқишга чақирдилар.

Ассамблея доирасида фуқаролик жамияти, ёшлар, аёллар, туб халқлар ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг ролига ҳам катта эътибор қаратилди. Иштирокчилар экологик сиёсатни самарали амалга ошириш кенг жамоатчилик иштирокисиз мумкин эмаслигини бир неча бор таъкидладилар. Шу муносабат билан “Бутун жамият ёндашуви” (Whole-of-Society Approach) тамойили GEF -9 дастурининг асосий элементларидан бири сифатида эътироф этилди.

Ассамблея билан бир вақтда Самарқандда “Есо Expo Central Asia 2026” халқаро кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Тадбир дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатидан қарийб 10 минг иштирокчини бирлаштирди. Кўргазмада 120 дан ортиқ павилён, экологик стартаплар, инновацион технологиялар ҳамда барқарор ривожланиш ва яшил иқтисодиёт соҳасидаги инвестициявий лойиҳалар намойиш этилди.

Кўргазма яқунларига кўра, умумий қиймати қарийб 520 миллион доллар бўлган 300 га яқин яшил лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Шу муносабат билан Азиз Абдуҳақимов халқаро ҳамкорларни 2027-йилда Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказиладиган ва барқарор ривожланиш ҳамда яшил инвестицияларга бағишланадиган “Есо Expo Central Asia 2027” кўргазмасида иштирок этишга таклиф қилди.

Халқаро медиа-мониторингнинг дастлабки маълумотларига кўра, GEF нинг VIII Ассамблеяси дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатидеги оммавий ахборот воситаларида 15 тилда қарийб 500 марта тилга олинган. Бу эса форумга бўлган юқори халқаро қизиқиш ва Ўзбекистоннинг экологик дипломатиядаги роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Самарқандда бўлиб ўтган GEF нинг VIII Ассамблеяси нафақат йилнинг энг йирик халқаро экологик майдонига айланди, балки 2030-йилгача бўлган глобал барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳал қилувчи даврга тайёргарликнинг муҳим босқичи ҳам бўлди. Қабул қилинган қарорлар, ишга туширилган дастурлар ва шакллантирилган ҳамкорликлар яқин йилларда халқаро экологик ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб беради ҳамда янада барқарор ва экологик хавфсиз келажакка ўтишга хизмат қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳуқуқий ислохотларнинг бош мақсади — инсон кадр-қимматини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда давлат органлари фаолиятини “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ташкил этишдан иборатдир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги янги ланишларнинг мантикий давоми сифатида, яқинда қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Бу ўринда сўз, бевосита кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган “Кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги янги Қонун ҳақида бормоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қатъий қафолатланган бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма нафақат жиноят процессида, балки фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланаётган ҳар қандай ҳуқуқий жараёнда тарафлар тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Аммо яқин вақтларгача тизимда муайян бўшлиқлар кўзга ташланаётган эди. Муқаддам мамлакатимизда давлат ҳисобидан адвокат жалб этиш — халқ тилида айтганда “бепул адвокат” хизмати асосан жиноят ишлари бўйича юритилаётган тергов ёки суд жараёнлари билан чекланиб қолган эди. Бундай чекланиш эса фуқаролик, маъмурий ёки иқтисодий низолларда, шунингдек, конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда моддий имконияти чекланган шахсларнинг малакали адвокат хизматидан фойдаланишини сезиларли даражада қийинлаштириб келаётган эди.

Ваҳоланки, Конституциявий судга шикоят тайёрлаш ва унда бевосита иштирок этиш юқори малака, чуқур ҳуқуқий билим ва катта амалий тажриба талаб қиладиган ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Оқибатда оддий фуқаро, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган шахс адвокат ёллашга моддий маблағи етмагани сабабли ўз ҳуқуқларини ушбу олий инстанцияда мустақил ва самарали ҳимоя қила олмас эди. Айнан ана шу ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ижтимоий адолат мезонларини

тўлақонли тиклаш мақсадида янги қонун ҳужжати ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Янги Қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, соҳага оид иккита асосий қонун ҳужжатига муҳим тўлдиришлар киритилмоқда. Уларнинг ички мантиғи ва изчил ҳуқуқий ме-

ҲАР БИР ФУҚАРО ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

ханизмини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 41-моддаси янги норма билан тўлдирилди. Унга кўра, агар фуқаро Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилса ва ўз аризасида давлат ҳисобидан адвокат иштирок этишини сўраб илтимоснома киритса, Конституциявий суд ушбу илтимосни таъминлаш чораларини кўриши қатъий шарт қилиб белгиланди. Бу қоида Конституциявий суд зиммасига фуқаронинг ҳуқуқий ҳимоясини юқори даражада ташкил этиш бўйича мутлақо янги ва масъулиятли вазифа юклайди.

Иккинчидан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 17-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилди. Хусусан, 9-моддага киритилган ўзгартиришга кўра, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига “муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига мурожаат этганлар” деган янги тоифа расман қўшилди. Шунингдек, 17-моддага киритилган ўзгартириш орқали эса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи ваколатли субъектлар қаторига эндиликда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ҳам киритилди.

Мазкур тарихий ўзгартиришлар шуни англатадики, эндиликда кам таъминланган фуқаролар нафақат умумий юрисдикция судларида балки мамлакатнинг энг



юқори суд органи — Конституциявий судда ҳам давлат томонидан қафолатланган бепул ва малакали адвокат хизматидан тўлақонли ҳамда тўсиқсиз фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Янги тизимнинг энг катта ютуғи ва ижтимоий аҳамияти шундаки, у “тенг имкониятлар принципи”ни куруқ декларациядан реал ҳаётга изчил татбиқ этади. Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши ва моддий аҳволдан қатъи назар, ҳар бир шахс қонун олдида ва судда тенг имкониятга эга бўлиши

ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва тезкорлик билан бекор қилишларини таъминлаш мажбурияти юкланди.

Бундан ташқари, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ҳам молиявий жиҳатдан давлат томонидан тўлиқ қафолатланади. Жараённинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Адлия вазирлигининг махсус ахборот тизими орқали адвокатларни автоматик равишда танлаш ва



уларга маблағ ажратиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу ишлар инсон омилидан холи тарзда, бутунлай очиқ амалга оширилади. Яъни, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш истагини билдирган фуқаро “юридик ёрдам” махсус ахборот тизими орқали электрон шаклда ёки ваколатли давлат органига тўғридан-тўғри оғзаки ёхуд ёзма шаклда мурожаат қилиши кифоядир.

Шунингдек, ишни кўриб чиқаётган ваколатли орган ёки мансабдор шахсга давлат ҳисобидан адвокат ажратилиши ҳақида тегишли илтимоснома бериш орқали ҳам ушбу ҳуқуқни муваффақиятли рўёбга чиқариш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимининг Конституциявий суд даражасигача кенгайтирилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш йўлидаги муҳим ва тизимли қадамдир. Бу ўзгаришлар бевосита оддий халқ манфаатларига хизмат қилиб, ҳар бир фуқаронинг ўз юртида давлат ҳимоясида эканини амалда, ўз ҳаёти мисолида ҳис этишига мустаҳкам шароит яратди.

Зеро, қонун устуворлиги тўлиқ таъминланган жамиятдагина изчил иқтисодий юксалиш, ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт бўлади. Янги тизим фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш орқали, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мутлақо янги, юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Нилуфархон САИДҒАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди Девон
рахбари, юридик фанлари
доктори

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Адлия вазирлиги зиммасига ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг қўламда тушунтириш, фуқароларга ўзларининг янги ҳуқуқларини содда тилда етказиш ва янги тизимни амалиётга тўлиқ жорий этиш вазифаси юкланган.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасига Ҳуқумат қарорларини ушбу янги Қонун талабларига мувофиқлаштириш ҳамда республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ушбу Қонунга зид бўлган



Эшик ортидан эшитилаётган оғир хўрсиниқ ва титроқ овоз. Қаршимизда сочларига оқ оралаган, кўзларида чексиз алам ва умидсизлик қотган буви турибди. Онахон маслаҳатлашиш учун келибди. Чорасизлик, набирасининг келажагидан ташвишланиш уни масъул идоралар томон етаклаган. Хориждаги қизини ёки Ўзбекистонда бўлса ҳам бошқа оила қуриб, ўз фарзандидан тириклай воз кечиб кетган “куёвини” инсофга чақиримизни истаяпти. Унинг дарди - бугунги жамиятимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бири - тирик етимлик (ҳеч кимга керак бўлмаган фарзандлар) фожиаси...

“Набирам гапимни олмайди... Тили бошқа, дили бошқа бўлиб кетди. Эшитмайди, фақат кўчага қочади, аввал бунақа эмасди, жуда қулоқсиз бўлиб кетди...” – йиғлайди онахон.

Асл воқелик бошқача: Эр-хотин ажрашган. Аёл авайлаб ўстирган ёлғиз ўғлини кекса онасининг бағрига “топширган”-у, ўз бахтини излаб Туркияга эрга тегиб кетган. Ота учун эса бу бола гўё бу дунёда йўқдек. Тўрт мучаси соғ, аммо маънавий етим қолган ўсмир йигит бугун бебош, жиловсиз ва назоратсиз.

Ростдан, бу ўсмирнинг ота-онаси учун фарзандининг келажаги, унинг тарбияси ва тақдири бир пуллик қийматга эга эмасдек. Улар учун бола – ўтмишдаги хатонинг кераксиз қолдиғи, холос. Натижада, бувининг заиф қўлларида қолиб кетган ўсмир ўзига керакли меҳрни оиладан эмас, кўчанинг совуқ ва хавфли конун-қондаларидан излаяпти. Суриштирсак, ўсмир мактабда ҳам “машхур” экан. Ўқитувчиси боланинг тарбияси жуда оғирлигини, ўқиши эса ўртачадан паст, ота-онаси ташлаб кетгани учун у билан жуда эҳтиётлаб муомала қилишларини, тезроқ мактабни битириб, онасининг олдига кетса, хотиржам бўлишини очиқчасига айтди. Ўқитувчига ҳам осонмас, бу ерда уни айблаш фикридан йироқмиз, у шу бола каби яна 30–35 нафар ўқувчига қараши керак. Ўз ота-онасига керак бўлмаган фарзанднинг тарбияси ва таълими ҳақида ўқитувчини сўроққа тутиш инсофдан бўлмас... Яқингинада ижтимоий тармоқларда тарқалган бир ачинарли ҳақиқат айтилган пост ёдга тушди – мактаблар ўқувчиларга таълим бермаяпти, балки фақат тарбия бериш билан шуғулланыпти, яъни катталар ўз болаларининг тарбиясини ҳам мактабга топшириб, бу масъулиятли вазифани ўзларидан соқит қилишган.

Меҳрнинг бегона қиёфаси

Фарзандга ота-она беролмаган меҳрни баъзан мутлақо бегона инсонлар бериши мумкинлигига бир мисол. навоийлик бир қизнинг тақдири ҳам юқоридаги воқеанинг мантикий давомидек.

Бу қиз аслида асраб олинган экан. Лекин бу ҳақиқатни ўзи билмайди. Унинг ҳам онаси иш излаб хорижга кетган. Қизнинг қалбидаги бўшлиқ, она соғинчи ва меҳрсизлик уни руҳан чўктириб қўйган. Онаси вақти-вақти билан фарзандининг эҳтиёжлари учун пул жўнатиб туради, пулдан муаммо йўқ. Аммо...



Кўчада «ТАРБИЯЛАНАЁТГАН»

БОЛАЛАР

БУВИНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ
ЁХУД ТУРКИЯГА
«СОТИЛГАН» ОНАЛИК

Бирок тақдир унга бошқа бир эшикни очди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (НТТ) томонидан юқори синф ўқувчи қизлари учун ташкил этилган ўқув семинарлари давомида у бир мураббий аёлга дуч келади. Гулноз Аслонова (Навоий вилоят “Оқила Аёллар” ҳаракати аъзоси) қизларга нафақат дарс ўтган, балки уларнинг айримларининг қалбларига ҳам йўл топа олган.

Шу тариқа, ўша маънавий ёлғиз қиз ва Гулноз Аслонова ўртасида мустақкам кадрдонлик ришталари боғланди. Қиз ўзининг тукқан, аммо ташлаб кетган онасидан қутган, йиллар давомида соғинган ўша иссиқ меҳр ва эътиборни мана шу мураббий аёлнинг нигоҳларидан, ширин сўзларидан топди. “50 ёшга кириб, бунақа хиссиётни бошдан кечираман, деб ўйламагандим. Ўз фарзандларим бўла туриб, бегона бир қизнинг ўз онасидек менга талпинишлари кўнглимни ҳаяжонга тўлдирди, мана нима учун Инсонга меҳр бериш керак! Ўша қизни ўз боламдек яхши кўриб қолдим ва унинг келажаги ҳақида қайғура бошладим. У жуда қобилиятли қиз,” – дейди Гулноз опа. Мана, меҳрга ташналикнинг бадийи ва ҳаётий исботи! Бола барибир меҳр топган томонга талпинади.

Навоий вилоят ИИБ Жамоат ҳавфсизлиги хизмати Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази раҳбари Шухрат Нуримовнинг маълумот беришича, айти кунда марказда 2 нафар болалар сақланмоқда. Бу ерга тарбияси оғирроқ бўлган ёшлар (17-18 ёш) Суд ажрими билан васийлик ҳомийлик органлари орқали юборилади. Бу болалар томонидан ҳеч қандай ҳуқуқбузарликлар содир этилмаган, дейди раҳбар,

болаларнинг ота-оналари ҳам бор. Марказда болалар бир ой давомида сақланади ва уларга тегишли ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Бу маълумотлардан билиш мумкинки, ота-онаси бўлатуриб, ростмана оилаларда улғаяётган фарзандлар тарбиясида ҳам камчиликлар, хатоликлар бўлиши мумкин. Савол туғилади: нега айрим ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан бунчалик бемехр? Тирикчилик, яхши ҳаёт орз-

билан мунтазам алоқада бўлиб, боланинг таълим олиши ва соғлигини узлуксиз мониторинг қилиб бориши назарда тутилган. Бу мураббийлар шунчаки қузатувчи бўлишмайди. Улар Ёшлар ишлари агентлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар органлари, маданият ва спорт ташкилотлари каби нуфузли идораларнинг тажрибали ва фаол ходимларидир.

Энг муҳими, ота-она назоратидан вақтинча маҳрум бўлган бола ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги керак. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар жамиятга бегона бўлиб қолмайди.

Ўз нафси, шахсий ҳаёти ва хориждаги «бахти»ни вояга етмаган фарзандининг тақдиридан устун қўйган ота-оналарни ким деб аташ мумкин? Болани дунёга келтириш – бу шунчаки биологик жараён, аммо уни Инсон қилиб тарбиялаш – муқаддас бурчдир!

Бугун фарзандини кекса бувисига, бегона қарин-

дошига ёки кўчанинг ихтиёрига ташлаб, хорижда юрган «Она»лар ва масъулиятдан қочган «Ота»лар ўзлари билан бирга миллатнинг келажагини бой бермоқдалар. Бола – тирик жон, унга пул, чет элдан юборилган кийим-кечак ёки телефон эмас, Сизнинг иссиқ бағрингиз ва йўл-йўриқ кўрсатувчи нигоҳингиз керак!

Агар бугун Гулноз опага ўхшаган фидойи инсонлар мана шундай меҳрга ташна қиз-йигитларни бағрига олиб, тўғри йўл кўрсатмаганида, бугун реабилитация марказлари ва жазони ижро этиш муассасалари адашган ўсмирлар билан тўлиб кетган бўларди.

Ҳақиқат шундаки: Ота-онаси тирик бўлатуриб, меҳр ва тарбияни бегоналардан қидираётган болалар кўпаймоқда.

Унутманг, бугун сиз кўчага ва тақдир ҳукмига ташлаб кетган ўша бебош ўсмир – эртага сизнинг қариллик гаштини сурадиган кунингизни захарловчи, жамиятдан норози шахсга айланиши мумкин. Фарзанд – бу Сизнинг келажақдаги кўзгунгиз. Унга бугун меҳр бермасангиз, эртага ундан оқибат кутишга асло ҳаққингиз йўқ! Мунофиқлик ва худбинлик уруғини сочиб, бахт ҳосилини йиғиб бўлмайди!

Жамиятимиздаги ҳар бир бола – кадрли. Уларнинг тақдирига даҳлдорлик туйғуси билан ёндашиш эса барчамизнинг олий бурчимиздир. Мазкур янги тизим мана шу эзгу мақсад йўлидаги улкан қадам бўлиб хизмат қилишига ишонишни истаймиз.

Гулчехра БЕРДИЁРОВА



Кўпчилик ота-оналар фарзандининг мактабда фақат «аълочи» бўлишини истайди. Баҳолар юқори бўлса, мақсадга эришилгандек туюлади. Аммо бир муҳим савол бор: мактабда 11 йил аълочи бўлиш муҳимми ёки ҳаётда бир умр аълочи бўлишми?

ЁДЛАЁТГАН АВЛОДМИ ЁКИ ФИКРЛАЙДИГАН....?!



бола! Болани фикрлашга ўргатишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳам китобдир. Китоб инсоннинг ақлий имкониятларини кенгайтиради. У нафақат маълумот беради, балки таҳлил қилиш, таққослаш ва мулоҳаза юритиш қобилиятини ҳам шакллантиради. Китоб ўқиган бола воқеаларга бир томонлама эмас, турли нуктаи назардан қарашни ўрганади. Унинг луғати бойийди, нутқи ривожланади, дунёқараш кенгайди. Энг муҳими, китоб инсонни ўзи билан ўзи мулоқот қилишга ўргатади. Қараб-сизки, айнан шу жараёнда мустақил фикр шаклланади. Шунинг учун ҳам фарзандга қиммат телефон олиб беришдан кўра, унга китоб ўқиш муҳитини яратиб бериш муҳимроқдир. Шу боис ҳам муҳтарам Президентимиз ҳам китобхонлик савиясини оширишни давлат сиёсати даражасига бежизга кўтармаяпти. Чунки китоб инсонни истеъмолчи эмас, яратувчига айлантиради.

Жаҳон иқтисодиётида бугун роботлар ва сунъий интеллект кўплаб оддий вазифаларни бажармоқда. Эртанги кунда такрорий ишларга эҳтиёж янада камаяди. Аммо бир нарса ўз қадрини ҳеч қачон йўқотмайди. Бу — мустақил фикрлаш қобилияти. Янги ғоя таклиф қила оладиган, муаммони ҳал қила оладиган, ташаббус кўрсата оладиган инсонлар ҳар доим кадрли бўлади. Шу боис фарзандларимизни келажакка тайёрлашни истасак, уларга фақат билим эмас, фикрлашни ҳам ўргатишимиз шарт.

Баҳолар муҳим. Интизом муҳим. Билим ҳам муҳим. Аммо буларнинг барчаси инсоннинг мустақил фикрлаш қобилияти билан қўшилгандагина ҳақиқий қиймат касб этади. Биз фарзандларимизни фақат дарсликлардаги жавобларни такрорлашга эмас, ҳаётнинг мураккаб саволларига жавоб топишга ўргатишимиз керак. Чунки мактабдаги аълочилик инсонга аттиги бир неча йил хизмат қилиши мумкин. Мустақил фикрлаш эса бутун умр давомида унга йўл кўрсатади.

Бинобарин бир нарсани унутмаслигимиз керак: фикрлайдиган инсонни бошқариш қийин бўлиши мумкин, аммо айнан шундай инсонлар жамиятни олға бошлайди. Фикрламайдиган инсонни бошқариш осон, аммо у ҳеч қачон тараққиёт локомотивига айланолмайди. Демак, фарзандларимизга тайёр жавобларни эмас, савол бериш маданиятини кўпроқ ўргатайлик. Ўғил-қизларимизни ёдлашга эмас, англашга ўргатайлик. Уларни итоат қилишга эмас, масъулият билан қарор қабул қилишга ўргатайлик. Зеро, миллатнинг эртанги куни бугун синфхоналарида ўтирган болаларнинг қанча маълумот ёд олганига эмас, қанчалик мустақил фикрлай олишига боғлиқ.

**Одилжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси**

Бугунги кунда жамиятимизда бир қараш илдиз отган: фарзанд мактабда фақат аълочи бўлиши керак. Кундаликдаги беш баҳолар, турли олимпиадалардаги дипломлар, сертификатлар ва мақтов ёрлиқлари кўпинча боланинг муваффақиятини белгилаб берадиган асосий мезон сифатида қабул қилинади. Ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам, ҳатто бугун бошли таълим тизими ҳам айнан шу кўрсаткичларга қараб хулоса чиқаришга ўрганиб қолганлиги ҳаммамизга ойдек равшан. Бу бир жиҳатдан тўғридир. Аммо ҳаётнинг ўзи эса бошқа ҳақиқатни ҳам кўрсатмоқда.

Мактабни олтин медаль билан тугатган ҳамма ўқувчи ҳаётда ҳам муваффақият қозонаётгани йўқ. Аксинча, ўқиш даврида ўртача баҳоларга эга бўлган, аммо мустақил фикрлашни ўрганган, ташаббускорлик ва масъулиятни ҳис қилган инсонларгина кўпинча катта ютуқларга эришмоқда. Буни ортада қолаётган умрим довомида кузатдим ва кўриб бораёпман. Шу ўринда савол туғилади: биз фарзандларимизни мактабда аълочи бўлиш учун тарбиялаётганимизми ёки ҳаётда аълочи бўлишлари учунми? Бу саволга жавоб излаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдек. Умуман, ўзи таълимнинг ҳақиқий вазифаси нимадан иборат?

Асрлар давомида таълимнинг асосий мақсади инсонни ҳаётга тайёрлаш бўлиб келган. Мактаб фақат маълумот берувчи муассаса эмас, балки шахсни шакллантирувчи, уни мустақил ҳаётга тайёрловчи маскан ҳисобланган. Бироқ бугун кўп ҳолларда таълимнинг асл мақсади унутилиб қолаётгандек. Дарс жараёнида ўқувчидан кўпроқ маълумотни эслаб қолиш талаб қилинади. У қанчалик кўп ёд олса, шунчалик яхши ўқувчи ҳисобланади. Саволларга дарсликда ёзилган жавобни айнан такрорласа, юқори баҳо олади. Аммо унинг фикри, муносабати ёки шахсий қараш кўпинча эътибордан четда қолади. Натижада биз билимни такрорлайдиган, аммо билимдан фойдаланишни билмайдиган ёшларни тарбиялаб қўйиш хавфига дуч келмаяпмизми?!

Ҳолбуки, XXI аср инсонидан мутлақо бошқа кўникмалар талаб қилинмоқда. Замонавий дунёда маълумот етишмайдиган давр тугаган.

Бугун ахборот ҳар қадамда бор. Интернет орқали исталган маълумотни бир неча сония ичида топиш мумкин. Демак, муаммо маълумот топишда эмас, балки уни таҳлил қилишда, саралашда ва тўғри хулоса чиқаришда эмасми?!

Рўй-рост айтганда, бугун дунёдаги энг илғор таълим тизимларидан бири сифатида эътироф этиладиган Сингапур феномени, аниқроғи - тажрибаси айнан шу нуктага алоҳида эътибор қаратади. Ёки Сингапур феноменини таълимнинг янги фалсафаси, дейиш маъқулроқ. У ерда болаларга тайёр жавоблар берилиши эмас, савол бериш ўргатилади. Ўқувчиларнинг фикри эшитилади, муҳокамалар ташкил қилинади, турли нуктаи назарлар таққосланади. Ўқитувчи ягона ҳақиқат эгаси эмас, балки ўқувчини мустақил фикрлашга етакловчи йўлбошчи сифатида намоён бўлади. Сингапур таълимида бир қараш бор: «Биз мактаб имтиҳонлари учун эмас, ҳаёт имтиҳонлари учун тайёрлаймиз».

Ана шу ёндашув бугун ушбу мамлакатни илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида дунё етакчиларидан бирига айлантирди. Чунки тараққиётни ёдланган маълумотлар эмас, янги ғоялар таъминлайди. Янги ғоялар эса фақат эркин фикрлайдиган инсонлар онгида туғилади.


Қизиқ. Нега биз фикрлашдан кўрқамиз? Ачинарлиси шундаки, баъзан боланинг мустақил фикри катталарни хавотирга солади. Аксарият ҳолларда синфда савол кўп берувчи ўқувчи «қийин бола» деб баҳоланади. Мавжуд қарашларга шубҳа билдирган ёшлар тартибсизликда айбланади. Баъзан эса боланинг фикрини эшитиш ўрнига унга тайёр хулосалар тақдим этилади.

Бу ҳолат тасодифий эмас. Чунки мустақил фикрлаш масъулият талаб қилади. Фикрлаш учун билим керак. Таҳлил қилиш учун вақт керак. Энг муҳими, фикрлаш эркинликни талаб қилади. Ёдлаш эса анча осон. Тайёр маълумотни қабул қилиш, уни қайта такрорлаш ва шу билан чекланиш мумкин. Бироқ тараққиёт ҳеч қачон такрорлаш орқали юзга келмаган. Дунёдаги барча буюк кашфиётлар, ихтиролар ва ислохотлар кимнингдир «Нега?» деган саволидан бошланган.

Зеро китоб ўқиган бола — фикрлайдиган



БОҚИЙ УМР САОДАТИ



“Innovation rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” tomonidan Ўзбекистон фан арбоби, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Турсун Шодиевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Боқий умр саодати” номли китоб чоп этилди.

Шу муносабат билан олим узок йиллар давомида фаолият кўрсатиб келган Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ушбу китоб тақдироти бўлиб ўтди. Унда Турсун Шодиевнинг ҳамкасблари, шогирдлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди. Сўзга чиққан академик Саидахрор Ғуломов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Тўлқин Тешабоев ва бошқалар Турсун Шодиевнинг илм йўлида чеккан заҳматларини, ёш олимларни тайёрлашдаги фидойилиklarини меҳр билан хотирлашди.

Зеро, бугунги кунда миллионлаб ёшлар қалбига илм-фан зиёсини синдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш устозлар жамиятини олға силжитадиган локомотив, десак, адашмаган бўламиз. Чунки ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама мукамал таълим олишини таъминлаш орқалигина ол-

динги сафларга чиқиш, тараққиётга эришиш мумкин. Ўзбекистон фан арбоби, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Турсун Шодиев ана шундай олийжаноб, фидойи устоз эди.

1942 йил 15 февралда Навоий вилояти Нурота тумани Борақ қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган Турсун Шодиев бир кун келиб дунё тан олган олим бўлишини ким ўйлабди дейсиз? Китоб дебодчаси ана шундай сўзлар билан бошланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида профессор Турсун Шодиев Ўзбекистонда автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ) соҳасига иқтисодий кибернетика фанини татиқ қилишга муносиб ҳисса қўшди. Бу эса ҳозирги кунда долзарб ҳисобланган рақамли ва булутли технологиялар, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг назарий ва услубий асосларини ривожлантиришга йўл очди.

1969 йилда Москва халқ хўжа-

лиги институтида (ҳозирги Россия иқтисодиёт университети) иқтисодий кибернетика ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини, 1988 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган олим 2003-2004 йилларда АҚШнинг Лос Анжелесдаги Калифорния университетида Эконометрика, Микроиқтисодиёт, Ўзбекистон иқтисодиётдан инглиз тилида бакалавр босқичидаги талабаларга дарс берди.

Халқаро олимлар ҳамжамиятида “афсонавий олим” сифатида тан олинган Турсун Шодиев хориж олийгоҳлари профессор ўқитувчиларга илмий семинарларда маърузалар ўқиган ва шу тариқа Халқаро тоифадаги профессор унвонига сазовор бўлган. У айнан ана шу мақомда АҚШдаги Фульбрайт профессорлар Ассоциациясининг аъзоси бўлган ва ташкилот томонидан дунё бўйича Интернет орқали уюштирилган чатларда, Тармоқларо Маршак семинарларида маъруза қилиб келган.

Китоб олимнинг қизлари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари номзоди, доцент Зухра Шодиева ҳамда иқтисод фанлари номзоди, доцент Зулай-

хо Умарова томонидан тайёрланган. Масъул маслаҳатчилар – академик Саидахрор Ғуломов, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Ҳасанов, иқтисод фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаев.

Шунингдек, китобдан “Халқ сўзи” – “Народное слово” газетаси Бош муҳаррир ўринбосари, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг фахрий профессори, Халқаро ахборотлаштириш академияси ҳамда Нью-Йорк (АҚШ) Фанлар Академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори Ақром Ҳошимовнинг ҳам улуг олим Турсун Шодиев ҳақидаги хотиралари жой олган.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ

Онажоним

30 ёшида оламни
тарк этган
онажоним Шахноза
Хусанова
хотирасига

Ажалнинг шум чангали
Нега сизга қасд қилди
Тушунолмайд хайрона —
Қолдим, дилим кул бўлди.
Энди мудом тушимга
Кирадирсиз жилмайиб
Кулолмаيمان, ойижон.
Бағри дилим қора қон
Кулгуларим-чи, майиб...

Ўгай она дейишса
Тушунмасдим, хайрона
Ҳозир қолдим ўйланиб
Ўгай она бағрига -
Бўлмас экан бўйланиб.
Ҳар нарсанинг сабабин
Қандай тушинтираман?!
Ўгай онам қасд қилса
Дадамдан айриламан...

Сизсизлик кўп аянчли
Ёш бошимга ғам тушган.
Сиз кирган тушларим-чи
Гўёки ойдан тушган.
Хотирангиз ҳамиша
Қалбимда сақлағайман.
Ойижоним, улғайсам
Сиздек инсон бўлғайман!

Унгача жаннатлардан
Тушимга кириб туринг...

Капалак

Боғларга капалаклар
Тута олмай ҳалакман.
Ранг-баранг, чиройлигу
Қочиши хўп чатоқда.

Кўзларимни кувнатиб
Чоптиради ортидан.
Куёшда товланади
Ҳайратдаман рақсидан.

Капалагим, капалак
Қайдан олдинг бунча ранг?
Майли бошқа кувмайман,
Агар менга дўст бўлсанг!

ФАСЛ

Қишда вой совук деймиз
Агар пальто киймасак
Бош кийимни унутсак
Совуқдан таёк еймиз!

Ёзда бунчалар иссик
Соядан жой излаймиз.
Қоқ пешинда кўчада
Куёшдан таёк еймиз!

Лекин баҳор чиройли,
Ёкимли, бип-бинойи.
Гуллари, ёмғирлари
Опкетар ғамдан нари.

Куз қандайдир жим-житми
Юракни сиқар гоҳи...
Ундан хафаман, рости
Олиб кетган ойимни...

Фарангиз ЭШҚОБИЛОВА
Зангиота туманидаги
44-умумий ўрта мактаб-
нинг 6-синф ўқувчиси

Шеърларимдан тузай гулдаста

Бобожоним, истеъдодли шоир
Чори Аваз хотирасига

I

Шеърлар ёзгим келади, бобо,
Ундан куёш бўй чўзсин дейман.
Сизникидек гўзал, дилрабо-
Мисраларим ўт бўлсин дейман.

Толемимда, шеърларимда ҳам,
Мени кутсин энг ёруғ ҳаёт.
Бобом руҳи йўлимда ҳамдам,
Бобом шеъри яшар барҳаёт.

Ойдин йўлга тушяпман бугун,
Орзуларин гуллатиб аста.
Унинг порлок хотираси-чун,
Шеърларимдан тузай гулдаста.

II

Сиз севган баҳорлар қайта келади,
Севган куз фаслингиз такрор келади.
Қалбимда бир савол мудом елади,
Сиз ҳам қайтасизми, айтинг бобожон?

Менга рух бағишлар шеърингиз ҳар он,
Юрагим чорлайди яхшилик томон.
Дарахт шохларини силкийман ҳамон,
“То Ёмонлари тўкилгунича”.

Ҳар битта мисрангиз бизларга тимсол,
Ҳар бир ўгитингиз биз-чун мисли бол,
“Ўн беш йилдан кейинги бугун” мен бўлсам не хол?
Сиз мен бўлиб қайтинг, қайтинг бобожон.

Кўнглим мулки

Устозим
Азиза опа Қурбоновага

Устозим кўнглим нақши
Меҳрибону хўп яхши.
Сўзлари ҳам сеҳрли
Нигоҳлари меҳрли.

Билимга қон, суҳандон
Улар билан биз шодон.
Ошиб борар хайратим
Шу шеър сизга раҳматим!

Меҳри Нигор
НУРМАНОВА,
Тошкент шаҳридаги
128-мактабнинг 6-синф
ўқувчиси



МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Июнь ойининг биринчи куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев зиёлилар билан учрашганда маънавият Янги Ўзбекистон учун нақадар муҳим йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлади. Бизга Ватанга муҳаббат, миллатга садоқат руҳини уйғотадиган, катта-катта ислохотларимизни одамларга етказиб берадиган асарлар яратадиган ижодкорлар кераклиги айtilди. Андижон вилоятида яшаб, ижод қилаётган ёзувчи, таржимон, педагог ва олим Ҳабиб Сиддиқ ана шундай фаол зиёлилардан биридир. У кишининг “Ватандан айро бахт йўқ” сарлавҳали китоби долзарб мавзуларда сўз юритувчи публицистик мақолалар, эсселар, мушоҳадалардан иборат.

Одамлар руҳини кўтаришда маънавият жангчиларининг ўрни алоҳидадир. “Ҳар биримиз масъулмиз” мақоласида Президентимизнинг “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!” деган талаби шиор қилиб олинади. Муаллифнинг таъкидлашича, ёшларимизда миллий қадриятларимиз ҳамда буюк аждодларимиз, улуг алломаларимиз, фан, адабиёт ва санъат намояндаларимиз томонидан яратилган хазинадан тўғри фойдаланиш, унинг бебаҳолигини англаш ва ҳис қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш лозим. Чунки шу йўл билангина мустақил Ватанимиз эртанги куни ворисларида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга, уларни маънавий баркамоллик сари етаклашга, интилиш ва изланишлар учун қанот бахш этишга эришамиз.

Алишер Навоий ижоди беқиёс уммон бўлиб бугунги замонда ҳам ҳар бир ўзбекка бир дунё баҳраманлик бағишлайди. Ҳабиб Сиддиқ “Ҳар сатри ҳикмат сиймо” сарлавҳали мақоласида буюк Навоийнинг афоризмга айланиб кетган қанотли сатрларини келтиради. Мумтоз адабиётимиз пешқадами ўн бешинчи асрдан туриб бугунги ёшларимизга қалб даъватини йўллагани нақадар ибратли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари тасдиқлангани публицистни ҳаяжонга солади. Фанлар академияси жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятин акс эттирувчи кўзгу. Унинг таркибини илмий-тадқиқот натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлари ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва илм-фаннинг янги қирраларини кашф қилиш мақсадлари Президент фармонида ўз ифодасини топганлиги қувонарли ҳолдир. Ҳабиб Сиддиқ янги сайланган академиклар ичида Сирожиддин Зайнобиддинов ҳақида алоҳида ҳикоя қилади. Чунки бу киши қарийб эллик йил давомида мамлакатимиз ва хорижлик олимлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борган. Ўз илмий фаолияти давомида Санкт-Петербург мактабини ўтаган. У Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси этиб сайланган, Жаҳон Биографик Марказининг “Ярим ўтказгичлар физикаси соҳасида

ги буюк ютуқлари учун” фахрий дипломи ва кумуш медалига сазовор бўлган. Ўзимизда эса Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотини қўлга киритган. Муаллифни вилоятда яшаб халқаро микёсда танилган олимнинг ютуқлари ифтихорга тўлдиради.

Китобнинг ҳақиқий хазина эканлигини кўрсатувчи “Рухимизни озиклантирувчи манба” мақоласи ҳар жиҳатдан эътиборлидир. Ёзувчининг назарида “китоб кўрган одам” деган таърифда катта маъно бор. Бу илми, оқ қоранинг фарқига борадиган одам дегани. Китобхонлик маданиятини юксалтириш кенг жамоатчиликнинг, биринчи навбатда, ижодкор-зиёлиларнинг вазифасидир. Шу ўринда бобо набирасига саватда сув келтириш ҳақидаги ривоят таъсирли чиққан. “Болажоним сен китоб ўқиганинда ҳам шундай ҳол юз беради. Сен ҳеч нарса тушунмаслигинг ёки эслаб қололмаслигинг мумкин, лекин ўқиганинда ички ва ташқи томондан ўзгараган, тозаланган” деб насиҳат қилади.

Инсон бошқаларга маслаҳат, насиҳат бериш учун, аввало, айтган сўзига ўзи амал қилиши керак. Шу маънода, муаллиф келтирган ривоят аини ҳақиқатни ифодалайди. Бир одамнинг фарзанди ширинликка жуда ўч экан. Кўп қанд еб қўйиб иштаҳаси буғилар, бошқа овқат истеъмол қилишни хушламас экан. Бу нарса унинг саломатлигига таъсир этибди, озиб ҳолсизланиб кетибди. Шифкорларга, табибларга кўрсатишдан, муолажалардан наф чиқмабди. Яқинларидан бири кўшни кишлоқда бир донишманд оқсоқол борлиги ва болани шу кишига кўрсатиш кераклигини айтибди. У одам фарзандини олиб айтилган манзилга борибди. Оқсоқол уларни очик чехра билан кутиб олибди, мақсадларини билгач, бир зум ўйга толибди ва бир ҳафтадан кейин келишларини сўрабди. Орадан бир ҳафта ўтиб, ота-бола яна ўша хонадонга келганларида донишманд аввалги жойида ўтирар эди. Меҳмонларнинг саломига алик олгач, болакайни ёнига чорлабди ва бошини силаб:

— Болам, қандни кўп еб қўймагин, ёкмайди, — дебди ва отасига юзланиб.

— Бўлди, бораверинглар, — деб қўшиб қўйибди.

Ота биров хайрон бўлиб уйга қайтибди. Лекин тез орада болада жиддий ўзгариш бошланибди. Энди у ширинликка ружу қўймас, бошқалар қатори овқатланар ва энг муҳим, ранг-рўйи ҳам ўнглана бошлабди. Отаси бундан бениҳоят хурсанд эса-да, бир оғизгина гап экан-ку, нега оқсоқол шу гапини биринчи борганимизда айта қолмади? Бунинг сири нимада экан, деб ўйланарди. Ана шундай ҳаёллар тинчлик бермай у яна оқсоқолнинг хузурига келибди, юзидан нур ёғилиб турган донишмандга таъзим қилиб миннатдорлик изҳор этибди, сўнгра минг истиҳола билан саволини берибди.

— Сиз дастлаб фарзандингизни олиб келганингизда мен қанд еб ўтиргандим. Бу ҳолда менинг бировга қанднинг зарари ҳақида гапиришим ҳеч қандай наф бермас эди. Шундан кейин мен ўзим қанд ейишдан тийилдим ва фақат шунинг учунгина фарзандингизга айтган гапим ўз таъсирини кўрсатди.

Ёзувчининг китоб сарлавҳасида акс этган “Ватандан айро бахт йўқ” мақоласида бугунги ижтимоий-сиёсий вазият ҳар биримиздан ҳар қадамда хушёрлик ва огоҳликни тақозо этишини уқтиради. Ҳар қандай ахборот хуружларга қарши иммунитетни таъминлайдиган омил ёшларни миллий ғоя билан қуроллантириш, тарихимиз ва маънавий меросимиздан баҳраманд этиш уларнинг қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини камол топтиришдир.

Шу мақсадда аҳоли орасида тарғибот ишлари кўлами ва таъсирчанлигини ошириш, мустақиллик йилларида бунёд этилган улкан ишлар тўғрисида, экстремистик ғоялар тарафдорларининг мудҳиш мақсадлари ҳақида суҳбат ва мулоқотлар ўтказиш, ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, ватанварварлик, эл-юртга садоқат туйғуларини сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Ҳабиб Сиддиқ ушбу китобида замондошларимиз сиймосини тасвирлаш орқали бир гуруҳ давр қаҳрамонлари галереясини яратади. Булар ҳаммамиз яхши таниган Зокиржон Машрабов, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон, Усмонжон Шукуров, Обиджон Бакиров, Қобил Мирзо, Фарид Раҳимбоев, Ҳабибулло Сатторов, Одилжон Мирзаев, Муталлибжон Абдуллаев, Толибжон Худойбердиев, Самижон Тожибоев, Ҳасанбой Султонов, Низомиддин Холиқов ва бошқа ўз истеъдоди билан эл-юртга танилган замондошлар ютуқларидан қувонган муаллиф чин маънода Ватан учун, миллат учун, халқ учун қанчалик фидойи бўлганларини ушбу китобда мадҳ этган.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолiddин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ХАЛҚАРО МИҚЁСДА

ТАН ОЛИНГАН

УНИВЕРСИТЕТ

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети European Association of Establishments for Veterinary Education (EAEVE) ташкилотининг “Associate Member” (Ассоциация аъзоси) мақомига эга бўлди.

Тарихга назар ташласак, 1929-йилда ташкил этилган Самарқанд кишлок хўжалиги институти негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 8-майдаги ПҚ-3703-сонли қарорига мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилди. Мазкур қарор мамлакатимизда ветеринария соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва соҳанинг замонавий талабларга мос инфратузилмасини шакллантиришда муҳим босқич бўлди.

Кейинги йилларда институт томонидан ветеринария, чорвачилик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнология соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, таълим жараёни халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди, хорижий олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилди, қўшма таълим дастурлари ва халқаро илмий лойиҳалар йўлга қўйилди.

Ушбу ютуқлар ва соҳанинг стратегик аҳамиятини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 31-мартдаги ПҚ-187-сонли қарорига мувофиқ Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ташкил этилди. Университет мақомининг берилиши нафақат таълим йўналишлари ва илмий салоҳиятнинг кенгайганини, балки муассасанинг миллий ва халқаро миқёсдаги нуфузи изчил ортиб бораётганини ҳам аниқлатади.

Хусусан, 2024 йилда Жаҳон Ҳайвонлар Саломатлиги Ташкилоти (ЖХСТ, WOAH)нинг 100 йиллик юбилеи доирасида ўтказилган халқаро форумлар, академиклар форуми, халқаро ёзги мактаблар ҳамда турли илмий-амалий тадбирларда университет фаол иштироки билан қатнашиб, ўзининг халқаро майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда университет ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология соҳаларида Марказий Осиёдаги етакчи таълим ва илмий марказлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Муҳтарам Президентимиз томонидан сўнгги 8 йил ичида ветеринария хизматининг долзарб масалаларига, шу жумладан, ветеринария соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган бир қатор қарор, фармон ва фармойишлар қабул қилинганлиги ҳамда ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалиётда ўз ижросини топаётганлигидан далолатдир. Айтиш жоизки, университетда ветеринария, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат хавф-



сизлиги соҳасида етук, малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ветеринария таълимини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага асосан университет бир қатор хорижий нуфузли университетлар, компания ва ташкилотлар билан таълим, илм-фан ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликда лойиҳалар амалга ошириб келмоқда.

Шундай лойиҳалардан бири Америка Қўшма Штатларининг Миннесота университети билан ҳамкорликда амалга оширилган “Твиннинг дастури” ҳисобланади. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда ветеринария таълимини Жаҳон Ҳайвонлар Саломатлиги Ташкилоти (ЖХСТ, WOAH) талаблари асосида такомиллаштириш, “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши бўйича ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишдан иборат.

Лойиҳадаги хорижий ҳамкоримиз Миннесота университети қошида фаолият юритувчи Ҳайвонлар саломатлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги маркази ҳисобланади. Ушбу марказ Жаҳон Ҳайвонлар Саломатлиги Ташкилоти буюртмаси асосида ривожланаётган давлатларда ветеринария таълимини халқаро талаблар даражасида ташкил этиш, таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар малакасини юксалтириш бўйича кўмак бериб келмоқда.

Лойиҳа 2021 йилда бошланган бўлиб, дастлаб Миннесота университети делегацияси вакиллари – марказ директорининг ўринбосари Мария Сол Перез ҳамда таълим бўйича мутахассис Кетрин Обрайн университетга ташриф буюрдилар. Ташриф давомида улар “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши бўйича ўқув жараёни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, таълим сифати ва талабалар билимини баҳолаш тизими билан агрофлича танишдилар.

Шундан сўнг университет профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, хорижий мутахассисларнинг тавсиялари асосида ветеринария таъ-

лими тизимини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, ветеринария таълими бўйича амалдаги 4 йиллик таълим муддати жаҳон ветеринария таълими талабларига мувофиқ 5 йиллик тизимга ўтказилди.

Шунингдек, АКШ Ветеринария тиббиёти ассоциацияси (AVMA), Европа ветеринария таълими муассасалари ассоциацияси (EAEVE) талаблари ҳамда дунёнинг етакчи ветеринария университетлари тажрибалари асосида “Ветеринария медицинаси” таълим йўналишининг такомиллаштирилган 5 йиллик ўқув режаси ишлаб чиқилди ва 2022 йилдан бошлаб таълим жараёнига жорий этилди.

Бугунги кунда университетда ветеринария соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 5 йиллик бакалаврият ва 2 йиллик магистратурдан иборат узлуксиз таълим тизими амал қилмоқда. Натижада талабалар 7 йил давомида чуқур назарий билимлар, мустақкам амалий кўникмалар ва клиник тажрибага эга бўлиб, халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатбардош ветеринария врачлари сифатида шаклланмоқдалар.

Европа ветеринария таълими муассасалари ассоциацияси (EAEVE) ветеринария таълими сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ва баҳолаш билан шуғулланувчи энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ассоциациянинг асосий вазифаси ветеринария олий таълим муассасаларида таълим сифати, илмий фаолият, клиник тайёргарлик, лаборатория базаси, моддий-техник таъминот ва бошқарув тизимларини Европа стандартлари асосида баҳолашдан иборат.

EAEVE таркибига Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги кўплаб ветеринария университетлари аъзо бўлиб, ташкилот ветеринария таълимининг халқаро миқёсдаги сифат кафолати тизими сифатида тан олинади.

Хўш, Ассоциацияга аъзолик университетга нима беради? EAEVE га аъзо бўлиш университет учун қатор муҳим стратегик имкониятларни яратди. Жумладан, университетда ветеринария таълимининг сифати халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди ва таълим жараёнининг Европа стандартларига мослиги тасдиқланди. Университетнинг халқаро нуфузи ва рақобатбардошлиги сезиларли даражада ортди. Бу эса хорижий ҳамкорлар, талабалар ва инвесторларнинг қизиқишини кучайтиради. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун академик алмашинув дастурларида иштироки этиш имкониятлари кенгайди. Erasmus+, Horizon Europe ва бошқа халқаро таълим ҳамда илмий дастурлар доирасидаги ҳамкорлик учун янги истиқболлар очилади.

Қолаверса, битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги ошади, уларнинг хорижий магистратура ва докторантура дастурларида таҳсил

олиши учун қўшимча имкониятлар яратилди. Университет ветеринария таълими ва илм-фани бўйича халқаро ҳамкорлик тармоғини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Мазкур ютуқ нафақат университет, балки Ўзбекистон ветеринария таълим тизимининг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Олиб борилган тизимли ишлар ва халқаро экспертларнинг ижобий ҳулосалари натижасида университет EAEVE томонидан муваффақиятли баҳоланди. Жорий йилнинг 28 май куни Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган EAEVE-нинг 39-Бош Ассамблеяси доирасида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига “Associate Member” (Ассоциация аъзоси) мақоми берилди ҳамда тегишли сертификат тантанали равишда топширилди.

Мазкур ютуқ университетда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, таълим сифатини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, замонавий илмий ва клиник инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ветеринария таълимини янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси бўлди.

Айни пайтда университет олдида EAEVE экспертлари томонидан берилган тавсияларни босқичма-босқич амалга ошириш ва ветеринария таълими сифатини янада юқори босқичга кўтариш вазифаси турибди. Келгусида ветеринария клиникаларини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот инфратузилмасини такомиллаштириш, халқаро илмий лойиҳалар сонини кўпайтириш, хорижий профессор ва мутахассисларни кенг жалб этиш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, талабаларнинг амалий тайёргарлигини кучайтириш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ветеринария таълимининг халқаро стандартларга тўлиқ мослигини таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилади.

Умуман олганда, университет жамоасининг стратегик мақсади ветеринария таълими ва илм-фани соҳасида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, замонавий, инновацион ва рақобатбардош таълим муассасасини шакллантириш ҳамда Самарқандни Марказий Осиёнинг ветеринария таълими ва илмий тадқиқотлар марказларидан бири сифатида ривожлантиришдан иборатдир.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети
ректори, профессор,
Қозогистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги фанлар Академияси
академиги.